

**“Сувхўжаликназорат” инспекцияси томонидан қонунчилик ҳужжатлари
ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

04.12.2025 йил

Инспекция соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, ижро интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш — соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан Инспекцияга юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори** асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **10 та** ҳужжати орқали **28 та** топшириқ назоратга олинган бўлиб, шундан **23 тасини** ижроси ўз вақтида бажарилган ва **5 та**си бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **3 та** ҳужжати орқали **3 та** топшириқ назоратга олинган бўлиб, шундан **2 тасини** ижроси ўз вақтида бажарилган ва **1 та**си бажарилмоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган жами **5 та** Президент топшириқларининг барчаси (**100 %**) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Жорий йилнинг ноябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган жами **1 та** Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг барчаси (**100 %**) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Шунингдек, 2025 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **4 та** топшириғи назоратга олинган бўлиб, **3 тасини** ижроси ўз вақтида бажарилган ва **1 та**си (ҳамижрочи ҳисобланади) бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **1 та** топшириғи назоратга олинган бўлиб, **1 тасида** ҳамижрочи ҳисобланади.

Жорий йил якунига қадар бажарилиши белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, ишлар амалга оширилмоқда.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар **ҳар ҳафта** Инспекция марказий аппарати йиғилишларида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси масъул ходимлари томонидан ҳар бир топшириқни ўз муддатида ижросини таъминлаш чоралари кўриб борилади.

**Ташкилий назорат ва ахборот
таҳлил бўйича бош мутахассис**